



Халқ сўзи

Ўзбекистон
Келажиги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 20 январь, № 14 (3559) ● Пайшанба

СЕНАТ: САЙЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат аъзоларининг сайлови давом этмоқда. Икки палатали парламентни шакллантириш халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлиб, мамлакатимизда сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

19 январь куни Тошкент шаҳрида ҳамда Андижон ва Навоий вилоятларида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.

Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-

тига олти нафардан вакил сайланди. Яширин овоз бериш конунда ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Қўшма мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари иштирок этди. (ЎЗА).

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Япониянинг Россия ва Шарқий Европа минтақаси билан савдо уюшмаси (РОТОВО) ҳамда ушбу агентлик ҳамкорлигида корхоналаримизда қатор йўналишлар бўйича олиб борилган консултациялар якунига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг тегишли ташкилот ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

“Реле ва автоматика” ҳамда Самарқанддаги “Сино” акциядорлик жамияти корхоналарида бўлиб, бошқарув, меҳнат самарадорлигини ошириш ҳамда техник имкониятларни такомиллаштириш борасида консултациялар ўтказилди. Семинарда мазкур корхоналарда олиб борилган иқтисодий тадқиқот натижалари муҳокама этилди.

Семинарда Тамагава университети профессори Ясунага Такатихонинг Японияда тижорат корхоналарини бошқариш тизимининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Нодирбек ҲАЖАБОВ,
ЎЗА мухбири.



Пахтабод туманидаги “Намуна” ширкат хўжалигида қишининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш одатга айланган. Айни пайтда далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зоғурларни тозалаш, баҳорги мавсумга техникани таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ўз қасбининг устаси, тажрибали механизатор Қозимжон Содинқов ўзига бирктирилган техника воситаларини алақачон сифатли таъмирдан чиқарди.

СУРАТДА: тажрибали механизатор Қозимжон Содинқов.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Европа Ҳамжамиятларидаги элчиси Владимир Норов Брюсселда Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) президенти Жозе Мануэл Баррозога ишонч ёрлиқлари топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ЕИК президенти Ўзбекистон Европа Иттифоқи учун Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий жиҳатдан ўта муҳим мамлакат эканини таъкидлади ҳамда Европа томонининг Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар муносабатларининг барча жабҳаларида ҳамкорлик-

ни ривож топтиришга тайёрлигини билдирди.

Ж.Баррозо Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукумати томонидан сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаётганини эътироф этди. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар ва парламент ислохоти Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан имзоланган битимларда белгиланган тамойилларга мос тарзда демократлаштириш йўлидан илдам қадам қўётганига ёрқин мисол эканини таъкидлади.

“Жаҳон” АА.

Малака ошириш учун коллежга

ҚАРШИ (ЎЗА мухбири А.МУҲАММАДИЕВ). Япониянинг “Ogawa Seiki co-LTD” компанияси мамлакатимиз ўрта махсус касб-хунар коллежлари ўқитувчилари малакасини оширишни такомиллаштиришга оид лойиҳа ижросида фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида мева ва сабзавот қайта ишланадиган цех, ветеринария ҳамда зоотехника лабораториялари ташкил этишга киришилди.

Қашқадарё вилоятининг ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, цех ва лабораторияларни жиҳозлаш ишлари якунланган, у ерда коллеж ўқитувчиларининг касб малакасини ошириш минтақавий маркази иш бошлади. Унда Қашқадарё, Самарқанд, Бўҳоро ва Навоий вилоятларидаги турдош коллежлар ўқитувчилари ўз малакасини оширади.

Минибанк фермерга қулай

Жойларда яна 8 та минибанк ишга туширилиши билан Наманган вилоятида фаолият юритётган шундай муассасалар сони 20 тага етди. Улар асосан тургатилётган ширкат хўжаликлари негизда ташкил топган фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатади. Хизмат турлари орасида пул ўтказмалари ҳамда касса амалиётларини бажаришдан ташқари ҳисоб-китобларни юритиш ва замонавий қонсалтингнинг бошқа кўри-нишлари ҳам бор.

Айни пайтда вилоятдаги қатор банклар ва уларнинг филиаллари томонидан пахта ва галла етишти-рувчи фермер хўжалиқларининг даврий харажатларини мақсадли кредитлаш изчил амалга оширилмоқ-да. Жумладан, 2005 йил галла ҳосилини етиштириш-га 2434 фермер хўжалиги учун бугунгача 701 миллион сўм миқдорда шундай кредит ажратилди. Уларнинг кўпчилиги минибанклар орқали расмийлаштирилди.

Марказий банкнинг вилоят бошқармаси яқин ора-да яна 10 та минибанк очилиш режалаштирилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Об-ҳаво Қишининг бир куну ҳам қиш

Юртимизда ҳақиқий қиш. Қор далаларимиз, кўча ва хиёбонларимиз оппоқ чойшабдек қопла-ди. Айниқса, болаларимизнинг кувончи чексиз. Хўш, бу яна қанча давом этади. Яна қор ёғадими? Бундай об-ҳаво умум-мезёёрларга қанчаллик тўғри келади? Кириб кел-аётган Қурбон ҳайити ва у билан уланиб кета-диган дам олиш кунлари об-ҳаво қандай бўла-ди?

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга қараган-да, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 20-22 январь кунлари ҳаво ҳарорати ўзгариб тура-ди. Вақти-вақти билан ёғингарчилик (ёмғир ва қор) ёғиши мумкин. Ҳаво ҳарорати кечаси 6-7 да-ража совуқ бўлади. Кун-дузи эса ҳаво бироз юмшаб, 3 даража совуқ-дан 2 даража илқ атро-фида бўлиши мумкин. Тогли ҳудудларда ҳаро-рат ўзгариб туради ва ёғингарчилик бўлади.

Якшанба кўни ҳам об-ҳаво ана шу даража сақ-ланиб қолиши кутилмоқ-да. Фақат ёғингарчилик бўлмайди.

Ёғингарчиликларни шу пайтга хос умуммез-ёёрлар билан тақослай-диган бўлсак, айтиш мумкинки, у кўп йиллик кўрсаткичларга яқин. Ўтган йилнинг шу пайти билан солиштирилганда эса, бу йил қор қалин-лиги 10-20 см.га кўпроқ. Марказдан хабар қилишларича, ҳали яна бир неча марта қор ёғиши кутилмоқда.

С. ДОНИРОВ
тайёрлади.

Сайёҳларга тухфа

Туризмни ривожлантиришда, албатта, реклама муҳим ўрин тутади. Пойтахтимиздаги «Гранд-Мир» меҳмонхонаси мамлакатимиздаги бой тарихий обидалар ҳақида хорижлик сайёҳлар-га ташвиқот-тарғибот қилувчи 2005 йил учун махсус таквим чоп эттирди. Уни тайёрлашда юртимиздаги диққат-га сазовор, гўзал обидалар тасвирла-ридан кенг фойдаланилди.

«Гранд-Мир» томонидан чиқарила-ётган тақвимлар мамлакатимиздаги сайёҳлик компаниялари, хорижий эл-чихоналар ва қўшма корхоналарга тар-қатилмоқда.

Юнус БҲУНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УРГАНЧ Давлат универси-тети қошидаги 2-академик лицейда ёшларнинг мукам-мал билим олишлари учун барча шарт-шароитлар му-ҳайё этилган. Уч қаватли би-нонинг кенг, ёруғ ўқув хона-лари, катта спорт зали, 200 ўринга мўлжалланган ошхо-насидаги қулайликлар кўзни қувонтиради. Билим маска-нида 800 нафардан зиёд ўқувчи чет тили, табиий ва ижтимоий фанларни ўргана-ди. Лицей 10 минг қитоб фондига эга. Урганч шаҳри-нинг кўрқига кўрк қўшиб тур-ган янги билим масканини бунёд этишда “Хоразмқури-лиш” акциядорлик жамияти бунёдкорлари гайрат кўрсатдилар.

Хоразмда янги иншоотлар

Вилоятдаги замонавий ўрта-махсус ўқув юртлиги сони яна иккитага кўпайди.

БОҒОТ туманида қад рост-лаган энгил саноат касб-хунар коллежи ҳам имкониятлари жиҳатидан юқоридаги билим юртидан қолишмайди. 600 ўқувчи қурилишини “Туямў-йинсувқурилиш” акциядорлик жамиятига қарашли 5-Боғот кўча механизациялашган жамланмасининг бунёдкорла-ри амалга оширдилар. Кол-лежда ёшлар тўқимачилик са-ноатига доир билимларни эгаллашлари учун барча ша-роитлар яратилган.

Академик лицей ва касб-хунар коллежининг тантанали очилиш маросимларида бун-ёдкорлик ишларида фаол иш-тирок этган қурувчиларга қим-матбаҳо соғвалар берилди.

Тадбирларда вилоят хоки-ми И. Бобожонов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Бугуннинг гапи

Ер ҳақиқий эгасини топдимми?

ёки Фарғона вилоятида экинзорлардан фойдаланишдаги ўзбўларчилик ва қонунбузилишлар ҳақида



Президентимизнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида бизни боқадиган, тўйдирадиган, кийинтирадиган, ардоқ-лайдиган ерга бўлган муносабатнинг ўз ҳолига айтиб қўйилганлиги ту-файли йилдан-йилга пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосил-дорлиги камайиб кетаёт-ганлиги, шартнома режа-лари ўлда-жўлда қолаёт-ганлиги қаттиқ танқид қилинди. Юртбошимиз, фермерлик ҳаракатига эътибор бериш у ёқда турсин, унга гов-тўсиқ бўлинаётганлиги хусусида куйиниб гапириб, «Хам-мага аёнки, ҳақиқий деҳ-қонга йўл бермасдан, энг қулай ва серҳосил май-донларни эгаллаб олган, бир вақтлар раҳбар кур-сисидан ўтирган, бугун ўзини фермер деб кўрсат-тадиганлар ҳеч қачон ўзи тер тўкиб меҳнат қилмай-ди» дея таъкидлади.

Бу гапларнинг нақадар ҳаётий эканлигини ўтган йил якунлари ҳам яққол кўрсатди. Хусусан, 464 на-фар мансабдор шахс то-монидан қариндош-уруғ-ларга 9419 гектар ер фермер хўжаликлари таш-кил этиш учун ажратилган. Шундан 41 ҳолатда Ўзбе-кистон Республикасининг «Ер кодекси» талаблари кўпол равишда бузилган. Яъни, ҳокимларнинг са-хийлиги туфайли танлов ўтказилмасдан, фермер хўжаликлари ташкил этил-ган. Агар бу ишга назо-рат органлари аралашма-ганида, 1231 гектар май-дон ноқонуний эгалари ихтиёрида қолиб кетган бўларди.

Шу мисолнинг ўзиёқ ҳозир адолат мезони бу-зилган жойларда ҳақиқат қарор топаётганидан да-лолат беради. Лекин миш-мишлар, маҳаллий бошқарув идораларига бўлган ишончсизликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин?

Фарғона тумани хоки-мининг биринчи ўринбо-сари Адҳамжон Ҳамдамов ўтган йил бошида ўғли Иномжон Ҳамдамов раҳ-барлик қилаётган «Ҳам-дамобод» фермер хўжа-лигига қишлоқ хўжалиги-да фойдаланилаётган ер-лардан 4 гектар қўшимча майдон ажратиш тўғри-сидаги қарорни бир кун-да ҳал қилди-қўйди. Унда фермер хўжалигига ту-таш, аммо фойдаланил-маётган ерлар ажратиш кўрсатилган эди. Амалда энг унумдор 4 гектар ер ажратилди. Қарорда, шу-нингдек, яна бир талаб кўпол равишда бузилди. Яъни, ер участкасини ижарага бериш шартно-масига кўра, вилоят ҳоки-ми томонидан тегишли қарор қабул қилингандан сўнггина туман хокими томонидан қарор чиқари-лади. Афсуски, бунга эътибор берилмади.

Ўзбекистон туманида сўнгги тўрт йил ичида пахта ҳосилдорлиги 30 центнердан 17,2 центнер-га тушиб қолди. Ёки шу даврда режага нисбатан салкам 19 минг тонна пахта кам етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Кулиб турган Кошоналар

— Ахмадали Мамадалиев деган бош шифокоримиз бор, — дея гап бошлади Асака шаҳри хокими Бахтиёржон Иминов. — 2004 йил Мехр ва мурувват йили деб эълон қилинган, у киши билан қаерда дуч келмайлик, «Йўлингиз тушса, ишхонамизга бирров кириб ўтинг, илтимос», дейдиган бўлиб қолди.

Бордим. У ердаги ахвол билан танишганча, дўхтирнинг нима учун бунчалик қуюнчаллик қилаётганини англаб етдим. Бино 1938 йили қурилган бўлиб, ҳилвираб қолган, хоналардан файз кетган эди. Ёмғир томчиллаганди бўлса, тоmidан чакки ўтар, деворлари уваланиб ётарди. Айниқса, қишда ахвол бешбаттар оғирлашиб кетаркан. Ачинарли-

си, пастки қаватларда шароит бўлмагани учун туғуруқ хоналари учинчи қаватга жойлашган экан. Болаларимизнинг шундай жойларда кўз очаётгани учун опа-сингилларимиз олдиди хижолат бўлди.

Ўша кунлик мутахассислар ҳокимиятга тақлиф этилиб туғуруқ мажмуасини бутунлай янгилаш масаласи муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлиги тақлифимизни қўллаб-қувватлади. Автомобилсозларимиз катта маблағ талаб этадиган бу ишга бошқош бўлишни зиммаларига олишди. Инсоннинг қўли гул. Энди у ердаги ахвол, шароит бутунлай бошқача.

Биз ҳам ҳокимнинг тақлифи билан мажмуада бўлдик. Ҳашаматли бино

узокдан ярқираб кўзга ташланади. Бинога олиб кирувчи йўлакларнинг икки қирғоғида ям-яшил арча ниҳоллари саф торган. Чиройли, қулай ўриндиларни асакалик мебелсозлар тўхфа этишган. Ҳовлидаги орас-таликни кўрганларнинг баҳри-дили очилади.

— Бу ерда ҳар йили икки мингга яқин чақалоқ дунёга келади, — тўлиб-тошиб гапирди мажмуа бош шифокори Сайёра-хон Турсунова. — Илгари туғуруқ зали иккита эди, эндиликда бешта бўлди. Оналарни туғишга тайёрлаш, чақалоқ дунёга келган, укини парвартиш, она-бола саломатлигини доимий назорат қилиб боришда Германиядан келтирилган тиббий жиҳозлар жонимизга аро ки-

рапти. Ҳар бир хона ис-сик-совуқ сув билан таъминланган.

— Булар ҳали ҳаммаси эмас, — гурурланади яна бир ҳамроҳимиз Салоҳиддин Холмикназаров. — Шаҳримиздаги 1300 ўқувчи билим олаётган 5-мактаб, болалар поликлиникаси биноларимиз анча нураб қолганди. Мехр-мурувват йилида ҳар иккаласия таниб бўлмас даражада ёшариб кетди.

Салкам етмиш йил аввал қурилган ўша иншоотларни таъмирлаш ишларининг йил дастурига киритилгани аини мудожа бўлган экан. Ҳомийларнинг, қўли гул усталарнинг меҳридан тафт олган бинолар бугун шаҳар кўркини янада очиб юборди. Салимаҳон опа Останакүлова раҳбарлик

қилаётган тиббиёт коллежининг кулиб турган биноси-чи? Кечагина кўнгилларни хижил қилиб турган нурсиз биноларнинг бугун қошонага айланиб, кўпларни хайратга солаётгани аслида сўзи билан иши бир бўлган фидойиларнинг меҳнати самараси эмасми?

Ха, Асака шаҳридаги кўрмисиз, таъмирталаб шифохоналарнинг халқпарвар, саховатли инсонлар, тиббиёт фидойиларининг саяёҳаракатлари билан ободонлашиб, кўркамлик касб этаётгани ибратлидир. Энг муҳими, шифо излаб келаётган кишиларнинг кўнглига ёрулик солиб, дарддан тезроқ фориг бўлишига ёрдам бериллаётганида. Шижоат билан бошланган бундай ишлар яхши самара бериши учун асакаликлар Сихат-саломатлик йилида уни давом эттиришга қатъий аҳд қилишган.

Одилжон ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Ғазо секториди яна бир портлаш

Ҳаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда айтилишича, Ғазо секторидидаги назорат постларининг бирида портлаш содир бўлган. Натихада олти нафар Исроил фуқароси турли даражада тан жароҳати олган. Портлашдан бир неча соат ўтгандан сўнг Маҳмуд Аббос Ғазо секторига қуроли гуруҳлар билан музокаралар ўтказиш учун етиб келди. У гуруҳлар билан келишиб олиши Исроилга нисбатан муносабатларнинг келгусида қандай кечишига боғлиқ.

Исроил ҳукумати Фаластиннинг янги раҳбариятидан мухториятдаги қуроли гуруҳларга дарҳол чора қўришни талаб қилмоқда. Расмий Тель-Авив ўтган ҳафтадан буён Фаластин маъмурияти билан барча алоқаларни тўхтатиб қўйди.

Ҳукумат тўғри чора қўллаган

1989 йилда Хитойнинг Тяньаньмин майдониди демократияни ҳимоя қилиб намойишга чиққан бир неча юзлаб талабалар ўлдирилганди. Хитой компартияси собиқ етакчиси Чжао Цзяян вафотидан сўнг ўша машъум воқеа сабабларини қайтадан ошқора кўриб чиқиш борасида турли қақриқлар пайдо бўлди. Хитой ташқи ишлар вазири вакили Кун Цюан шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида журналистларга ўша вақтда расмий Пекин талабаларга тўғри чора қўлланганини маълум қилди.

Хавфсизликни таъминлаш учун

Хабарингиз бор, Ироқда 30 январь кунин сайлов ўтказилиши кутилмоқда. Ушбу умумхалқ тадбирининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ироқнинг муваққат ҳукумати уч кунга — 29-31 январь кунлари мамлакат чегараларини беркитмоқчи.

Ўша кунлари мамлакатда дам олиш кунини деб эълон қилинди. Бундан ташқари, 300 минг нафар ҳарбий сайлов жараёнининг тинч ўтказилишини таъминлайди.

Муваққат ҳукумат ташқи ишлар вазири Фалах Ҳасан Нажиб мабодо суннийлар сайловда қатнашишдан бош тортишса, мамлакатда фуқаролар уруши бўлиши мумкинлигини билдирди.

Шуқоят рад этилди

Украина Олий суди Марказий сайлов комиссияси эълон қилган сайлов натижаларининг матбуотда чоп этилишига рухсат берди. Виктор Янукович шуқоят қилмаганича, натижаларни эълон қилиш 19 январга қадар тўхтатилганди.

Олий суд Януковичнинг сўнги шуқоятларини рад этиб, Виктор Юшенкони сайловда голиб деб толди. Украина янги президентининг қасамёд қабул қилиш маросими 22 январда ўтказилиши кутилмоқда.

Ҳужжат имзоланди

Россия президенти Владимир Путин ҳамда Қозогистон президенти Нурсултон Назарбаевлар икки давлат чегаралари тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бундан бир мuddат олдин ушбу ҳужжатни икки давлат парламентлари ратификация қилишганди.

Кремлда бўлиб ўтган икки давлат раҳбарлари учрашуви чоғида минтақада кечяётган интеграциялашув жараёни ҳам муҳокама қилинди.

Дарёдаги фоқуя

Конго Демократик Республикасидаги Касаи дарёсида юк ташиш кемаси чўкиб кетди. Ҳукумат вакилининг маълум қилишича, 80 нафар одам ҳалок бўлган.

Воқеа Тшикапи шаҳри яқинида душанба кунин рўй берди. Шаҳар мэри Юбер Тшингонинг айтишича, ўлганлар сони ҳозирча аниқ эмас. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарда нобуд бўлганлар сони 200 нафарга етиши мумкин дейилди.

Марсда темир жисм

Мана, бир неча ойдан буён Орропунити кемаси Марс сайёрасининг юза қисмида тадқиқотлар олиб бормоқда. У яқинида сайёрадан темир метеорит толди. Олимларнинг айтишича, ушбу темир модда қизил сайёрада биринчи бор учради. Унинг ҳаммаи баскетбол тўли катталигидай келади.

Қосмик тадқиқотлар дастури раҳбарининг ишонч билан айтишича, Орропунити жўнатаётган ахборотлар илм-фан оламида муҳим янгилик ясаши мумкин.

Хоккайдодо zilzila

Япония шимолида жойлашган Хоккайдодо оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллик ер силкиниши қайд этилди. Тарқалган сўнги хабарларда айтилишича, вайронагарчиликлар ва жабрланганлар йўқ. Зилзила оқибатида цунами пайдо бўлмади.

Давлат зиммасига олди

Шри-Ланка ҳукумати цунамидан зарар кўрган худудларни қайта тиклаш учун 3,5 миллиард доллар зарур бўлишини маълум қилди. Ҳукумат вакили ишлаб чиқилган ушбу режа мамлакатдаги сиёсий партиялар ва нодавлат-нотижовор ташкилотлар томонидан ҳам муҳокама қилинишини билдирди.

Юқорида қайд этилган маблағнинг катта қисми давлат бюджетидан сарф қилинади.

Муддатидан илгару сайлов

Данияда мuddатидан илгару — 8 февралда умумхалқ сайловлари ўтказиш белгиланди. Бу ҳақда бошқарувдаги Либерал партия вакили маълум қилди. Мамлакат қонунларига биноан бош вазир ўз мандати даврида мuddатидан илгару сайлов ўтказиш ҳуқуқига эга.

Амалдаги ҳукумат ваколатининг мuddати шу йил ноябрь ойида тугайди.

Террорчиликнинг олди олинди

Махачқалъа ва Каспийск шаҳарларида Бесландаги сингари тайёрланган террорчилик хуружининг олди олинди. Бу ҳақда Догистон Федерал хавфсизлик хизмати раҳбари Николай Грязнов жангариларни йўқ қилиш операцияси якунлангандан сўнг журналистларга маълум қилди.

Грязновнинг қайд этишича, махсус операция чоғида ашаддий террорчи Магомедзагир Акаев ҳам йўқ қилинган. Террорчилик хуружини бартараф этишда уч нафар хавфсизлик хизмати ходими қурбон бўлди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Кимнинг томи баландроқ?

Осмонлар бинолар азим шаҳарлар кўрки, техник ва иқтисодий тараққиётнинг рамзи ҳисобланади. Дюсселдорфдаги «Маданият ва иқтисод» мавзуда ўтказилган кўргазмада дунё тарихидаги Миср эҳромларидан тортиб масжидлар, Европа, Америкадаги кўпқаватли бинолар намойиш этилди. Энг баланд иморат қуриш мусобақасида ҳозирча Осие ётақчилик қилмоқда. Тайвандаги «Тайпей 101» номли бино дунёдаги энг баланд иморат бўлиб, унинг узунлиги 460 метрдан иборат.

Лекин рақобат тўхтагани йўқ. Мутахассислар техник имкониятлардан келиб чиқиб, 800 метргача баландликда бино қуриш мумкин демокдалар.

Спорт асабини асрайди

Спорт билан шугулланиш асаб касаллигидан асрайди. Бу фикрни питсбурглик шифокорлар каламушлар билан ўтказган тажрибаларига суяниб исботлашди. Улар каламуш олд оёқларидан бирини 7 кун гипсда, иккинчи оёғини эса, аксинча, шугулланишга мажбур қилдилар. Умуман, ҳаракатланмаган оёқ асаб касаллигини кўзғовчи захарли модда ишлаб чиқариши аниқланди. Бу захар миянинг ҳар икки ярим шарига таъсир қилиши кузатилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мияни муҳофаза қилувчи оксил моддалари жисмоний ҳаракат орқали кўпаяр экан.

Гулгун СУЛТОНОВА тайёрлади.

UZDUNROBITA
first cellular

MMS
Multimedia Messaging Service

GPRS
General Packet Radio Service

W@P

Интернетдан фойдаланиш

Энг замонавий хизматларга уланинг!

Давоми бор...

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

Қинғирликнинг умри қисқа

Юртимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кенг йўл очилган. Мазкур соҳа вақиларининг эркин фаолият юриштирилиши, қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун зарур шароитлар яратилган. Бирок, факат ўзини ўйлайдиган баъзи тадбиркорлар амалдаги тартиб-қоидаларга хилоф равишда иш юритмоқдалар. Пировардида сирлари очилиб, эларо шарманда бўлмоқдалар. Мана, айрим мисоллар.

Карманлик хусусий тадбиркор С.Саломовнинг ишлари ёмон эмасди. Шунданми, фаолиятини янада кенгайтирмоқчи бўлди. Бирок бу сафар мақсадида аввалгидек тўғрилиқча эмас, балки эгри йўл билан эришини кузлади. Шу ниятда «Аргун» маҳалла фуқаролар йиғини қотибаси Г.Норкулова билан ўзаро жинсий тил бириктирди. Икки ярим йил бурунги 180-сонли маълумотно-

мани сохталаштириб, гўёки онаси номида иккита уй-жой борлиги, улардан бирини молия муассасасидан кредит олиш учун гаровга қўйиши мумкинлиги тўғрисида ҳужжат тайёрлади. Сўнгра уни «Ипак йўли» банкнинг Навоий вилояти бўлимига топшириб, 12 ой мuddатга 1 миллион сўм пул олди. Шу тариқа кўп миқдордаги пул маблағини ўзлаштириш йўли билан жиноятга қўл урди.

Карман тумани давлат солиқ инспекциясида руйхатдан ўтган «Амир — 2000» хусусий фирмаси раҳбари К.Тошев ҳам кўнунни писанд қилмай нотўғри йўлга кирди. У «И.Амир» хусусий фирмасига тегишли улгуржи савдон амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномадан ғаразли мақсадда фойдаланади. Мазкур ҳужжатни қалбақлаштириб, «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятига тақдим этиб, умумий қиймати 247 миллион 772 минг сўмлик молларни республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарорига зид равишда кўтарасига сотиб юборди. Бундан ташқари, фирма «Навоийазот» билан бирга амалга оширган 110 миллион 122 минг сўмлик олди-берди ҳужжатларини ҳисоботдан яширади. Оқибатда ягона солиқдан 685 минг, пенсия жаъғармасига 0,7 фоизли мажбурий тўловдан салкам 771 минг, йўл жаъғармасига ажратмадан 1 миллион 101 минг сўмлик — жами 2 миллион 557100 сўмлик солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоботларда кўрсатмайди ва қасдан тўламайди.

Нав унни ими-жимиди тинчи-тиб, ўзлаштириб юборганлиги назорат идоралари томонидан фож этилди.

Албатта, қинғир иш узоққа бормайди, барибир қийғи чиқади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. С.Саломов, К.Тошев ва И.Нарзиёвалар қўл урган қонунбузарликлар Карман тумани прокуратураси ҳузуридидаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ўтказган текширишлар жараёнида бирин-бирин юзага калқиб чиқди. Пировардида уларга нисбатан жиноят ишлари кўзга тилди. Судлар томонидан ҳар учаласига қилинишига яраша жазо тайинланди.

А.ХАМРОЕВ, Карман тумани прокуратураси ҳузуридида Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи, «Халқ сўзи» мухбири.

Дунё шаҳарлари

Женева шаҳри кўриниши. Ушбу шаҳар Швейцарияда катталиги жиҳатидан Цюрихдан сўнг иккинчи ўринда туради. Женевада 400 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади. У Европада ўзининг кўркам иморатлари ва чиройлилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, шаҳар халқаро банклар маркази ҳам ҳисобланади.

«ЭКОСАН» поезди жўнаб кетди

Кеча Тошкент вокзалидан Сурхондарё вилоятига «ЭКОСАН» халқаро ташилотининг салома...

Экологларнинг таъкидлашича, айни пайтда Тожикистон алюминий заводи фаолиятининг инсон ҳаётига салбий таъсири яна ортиб бораётганини туйғай...

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

ланишлари натижаларини умумлаштириб, «Наҳшаб — унутилган тамаддун сирлари» номи билан китоб ҳолида чоп этди.

зи VIII-VII асрлардаёқ мустаҳкам қалъа девори билан ўралган. Кейинги даврда сиёсий ва табиий жараён туйғайи шаҳар худуди силжиб, ҳозирги Қарши шаҳри пайдо бўлган.

ликлар мамлаката аҳамиятига эга бўлганлиги учун барча тадбирлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда.

зий Осиёда қадимги Миср, Бобил, Эрон, Хитой ва Хиндистондан фарқи алоҳида цивилизация мавжуд бўлганлигини исботлашнинг вақти келди, деб ҳисоблайди.

ликлар мамлаката аҳамиятига эга бўлганлиги учун барча тадбирлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Қаршиликлар ўз шаҳарларининг залворли тарихи билан ҳамisha фахрланидилар. Шу билан бирга, шаҳарнинг бугунги жамоли уларнинг қалбини ғурурга тўлдирди. Чиндан ҳам, ша...

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш ҳақида ЮНЕСКО бош конференциясининг 32-сессияси ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Насаф:

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

сан, Шахрисабз ва Наҳшабнинг узоқ ўтмиши, бу заминда вояга етган улуг сиймолар, уларнинг дунёвий тараққиётга қўшган тенгсиз ҳиссаси ҳақида гапириб, у киши мана шу тарихий ҳақиқатни рўйбга чиқариш учун зарур манбалар, ноёб қўлёзмаларни чуқур тадқиқ этиш вақти етганини таъкидлади.

Шундан сўнг изланишлар қўлами янада кенгайди. Археолог олимлар бу ердан эраимиздан аввалги VII-VI асрларга мансуб шаҳар қўрғони қолдиқларини қидириб топдилар.

тахти бўлган. Сўғлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авестода» учрайди.

Шу ўринда вилоят тарихини, хусусан, Ерқўрғон харобаларини ўрганишга Юртбошимиз ҳамisha катта эътибор берганликлари алоҳида қайд этмоқ ўринлидир.

Ватан, халқ шухратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқадир. Жаҳон миқёсидаги қўллаб-қувватлаш мусобақаларида ўзбек ёшлари эришяётган галабалар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.

Шу боисдан мамлакатимизда спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, бу масалага Президентимизнинг ўзи катта эътибор қаратмоқда.

Умид юлдузлари

Болалар спорти

Иморат пойдеворидан бошланганидай, вилоятда спортни ривожлантириш ҳам унинг мустаҳкам, замонавий моддий-техник базасини вужудга келтиришдан бошланиши табиий бир ҳол. Чунончи, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, вилоятда 86 та янги спорт иншооти қурилиши ва юзлаб спорт масканлари капитал реконструкциядан чиқарилиши режалаштирилган.

Ўқувчи шуғулланмоқда. Кишлоқ жойларида 300 мингдан зиёд ёшлар спортга жалб этилган. Вилоятда 16 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда 13 мингдан ортиқ ўқувчи турли спорт сирларини ўрганишмоқдалар.

Болалар спорти ривожда мутахассислар, мураббий-ўқитувчиларнинг хизмати катта аҳамият касб этади. Шу боис воҳада спорт мажмуалари ва мактаблар учун малакали спорт мутахассислари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш диққат марказида.

«Дўстлик» ширкат ҳўжалигида стадион қурилди. Урганч туманидаги Чалиш кишлоғида мактаб спорт зали ва спорт майдончаси ишга туширилди.

КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ. Хар қандай кўринишдаги электрон ТАРОЗИЛАР. Биз бутун жаҳонни ўлчаймиз. SAVDO UCHUN ERGA URNATILADIGAN KRANLAR UCHUN MAHSUS PLATFORMALI OMBORXONA UCHUN AVTOMOBIL VA TEMIR IYUL TAROZISI.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА! Ишлаб чиқарувчи заводлар ДИЛЕРИ «ИЖМАШВАТО» ОАЖ.

O'ZLOTTO KUNDALIK. 10.01.05, 11.01.05, 12.01.05, 13.01.05, 14.01.05, 15.01.05. Ютуқли ставкалар сони.

«G'alla-Altog» OAJNING MUHIM DALILLARI TUGRISIDA XABARNOMA. Хабарнома тартиб рақами — 09. Умумий йилгилиш тури — навбатдан ташқари.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЁЪЛОНЛАР. КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Ўзлонлар 136-09-25.